

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2024 йил [] ойининг [] куни, жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси [] биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг судьяси [], судья ёрдамчиси [] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси С.Д, судланувчи И.Х ва унинг адвокати Г.Снинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган Х.И.Хга оид 1-[]-сонли жиноят иши кўрилди, иш хужжатларига кўра:

Судланувчи **Х.И.Х** [] йилда Янгиқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Янгиқўрғон тумани, [] МФЙ, [] истиқомат қилади, жиноят иши бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Суд судланувчи, гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафлар фикрини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзини тинглаб, уларни очиқ суд мажлисида текширилган далиллар асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Х, 2023 йил [] декабрь куни соат 23:30да ўзининг Янгиқўрғон туман “ [] жойлашган яшаш хонадонида фоҳишахона ташкил қилиб, Янгиқўрғон туман “ [] ва Янгиқўрғон тумани “Хадикент” МФЙда яшовчи [] жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб [] Янгиқўрғон тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Тезкор тадбир давомида И.Хдан 130.000 сўм миқдоридаги пуллар ҳолислар иштирокида баённома орқали текшириб кўришлик учун олиниб, ушбу пуллар ашёвий далил деб топилган ва тилхат орқали тадбир иштирокчисига қайтарилган.

Судда сўралган судланувчи, И.Х ҳақиқатан ҳам Янгиқўрғон тумани “ [] ўзи яшаб келишини, турмуш ўртоғи билан бир йилдан буён бирга яшамай келаётганини, ҳозирда ҳеч қаерда ишламаётганини, 2023 йил 5 декабрь куни кечки



пайт соат тахминан 23:00лар [REDACTED] исмли шахс уни яшаш хонадонига бир қиз билан келганини, дам олиш яъни жинсий алоқа қилишлиги учун жой кераклигини айтганини, [REDACTED] га жой борлигини бироқ жой эвазига 200.000 сўм беришини айтганини, бироқ [REDACTED] исмли шахс ёнида бунча пул йўқлигини айтиб, унга 130.000 сўм пул берганини, ушбу пулларни олиб Давронга дам олиши мумкин бўлган жойни кўрсатганини, Д [REDACTED] ва ёнидаги қизга кириб дам олишлари мумкинлигини айтганини, шунда [REDACTED] ундан “ўзи бу уй тинчми”-деб сўраганида у бемалол дам олиши мумкинлигини, безовта бўлмаслигини айтганини, кейин [REDACTED] шериги билан хонага кириб кетганини, бир оздан кейин уни ховлисига ИИБ ходимлари келишганини, ўзларини таништириб хонада ким бор нима иш қилаётганини сўрашиб, уйни кўздан кечиришларини айтиб ичкарига киришганида, уни уйига жинсий алоқа қилиш учун кириб кетган [REDACTED] билан бир нафар аёл киши ўтиришганини, ИИБ ходимлари улардан бу жойда нима қилишаётганлигини сўраганида, улар уни уйига жинсий алоқа қилиш учун киришганлигини, бунинг эвазига 130.000 сўм пул беришганини айтганини, у кўрқиб [REDACTED] н хеч қандай пул олмаганлигини айтганини, ИИБ ходимлари у ўтирган хонадаги кўрпачанинг тагидан [REDACTED] унга берган 130.000 сўм пулларни топиб олишганини, ўзи ушбу пулларни кўрпача остига қўйиб яширганини, шундан сўнг у бу пулларни таниши [REDACTED] н олганини айтганини, ИИБ ходимлари яшаш хонадонини кўздан кечиришиб, аниқланган 130.000 сўм пулларни холислар иштирокда баённома тузиб олишганини, ҳозирги пайтда у айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суддан енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] ҳақиқатдан ҳам, таниши [REDACTED] билан телефон орқали гаплашиб бирга дам олишга келишганини, бироқ учрашиб дам олиш учун жойи йўқлигини, бир танишидан пул эвазига яшаш хонадонидан дам олиш учун шароит қилиб беришини эшитганини, шундан сўнг таниши Н [REDACTED] кўнғироқ қилиб дам олиш учун жой топганини, у жамиятда шундай номақбул ишларни қилишга шароит яратиб бераётган шахсларни камайтириш мақсадиди бу ҳақда туман ИИБга ариза билан мурожат қилиб, қилмоқчи бўлган ишини айтганини, ИИБ ходимлари унга нималар қилиши кераклигини тушунтиришганини, шундан сўнг таниши [REDACTED] билан 2023 йилнинг 5 декабрь куни соат тунги 22:30 лар атрофида Янгиқўрғон туман марказида кўришиб, Янгиқўрғон туман [REDACTED] исмли шахснинг яшаш хонадонига борганини, у ерда у [REDACTED] исмли шахс билан гаплашиб, қайси хонада дам олсак бўлади деб сўраганида [REDACTED] ака шахс уйнинг четдаги хонага шароит яратиб қўйганлигини, Иброхим ака ушбу хонани иситиб қўйганлигини ва ювиниш учун сув ҳам қўйиб қўйганлигини айтганини, шунда уйга киритиш учун, уларга шароит



ёратиб бергани учун ██████████.000 сўм пул беришини айтганини, лекин у ҳозирда ёнида 140.000 сўм пуллари борлигини, 10.000 сўм пулларни таксига олиб қўйиб қолган 130.000 сўм пулларни жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб бергани учун ██████████ берганини, шунда “бу уй ўзи тинчми” деб ██████████ н сўраганида ██████████ бу уй тинчлигини шунча вақтдан буён бирор марта ходимлар келиб қолмаганлигини айтганини, таниши ██████████ билан хонага кирганини, уй эгаси Иброхим ака бошқа хонада қолганини, таниши Н█████████ билан жинсий алоқа қилиб турган вақтида ИИБ ходимлари келиб қолишганини, ██████████ билан кийиниб бўлганларидан сўнг ИИБ ходимлари улардан нима мақсадда келганини сўраганини, у бўлган воқеани айтиб берганини, шунда уйнинг эгаси ундан пул олмаганлигини айтганини, у эса ██████████ исмли шахсга пул берганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари Иброхим ўтирган хонадан унга берган 130.000 минг сўм пулларни аниқлаб олишганини, у бу пулларни шахсан ўзи ██████████ исмли шахсга таниши билан жинсий алоқа қилиш учун уйдан шароит яратиб берганлиги учун берган пуллар эканини, шундан сўнг ИИБ ходимлари холислар иштирокида баённома расмийлаштириб олишганини баён қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи И.Хнинг айби ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуви, гувоҳ Д█████████ кўрсатуви, жиноят ишидаги тушунтириш хатлари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, холислар иштирокида текшириб кўришлик учун олинган 130.000 сўм пул ва фотоилова ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи И.Х томонидан содир қилинган жиноятни юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жинойи хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан узалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 42-моддасида Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг



жинойй фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг принциплари ва юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда судланувчи И.Хга нисбатан жазо тайинлашда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини инobatга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Судда ашёвий далил сифатида эътироф этилган тергов ҳаракатлари акс эттирилган бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни, тезкор тадбирда фойдаланилган 130.000 сўм пул қонуний эгаси [REDACTED] тилхат орқали қайтарилгани инobatга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454, 463, 465-468, 472-473, 479-моддаларига асосан, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи Х.И.Х Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Х.И.Хга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан 1 йил муддатга сутканинг соат 22-00дан соат 06-00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи И.Хга озодликни чеклаш жазосини [REDACTED] ш белгилансин ва жазони ўташ даврида қўйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:



-Янгиқўрғон туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Янгиқўрғон тумани ИИБнинг бошлиғи зиммасига юклатилсин, жазони ўташ муддати И.Х Янгиқўрғон туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтаттирилсин.

Судланувчи И.Хга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган тергов ҳаракатлари акс эттирилган бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлансин, тезкор тадбирда фойдаланилган 130.000 сўм пул қонуний эгаси [REDACTED] тилхат орқали қайтарилгани инобатга олинсин.

Ҳукм устидан апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи томонидан эса унга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи [REDACTED]

